Олимлар ПЭТ пластикни Паркинсон касаллигига қарши дори воситасига айлантириш технологиясини ишлаб чиқди

// 19 mart 2026 йил
https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/olimlar-pet-plastikni-parkinson-kasalligiga-qarshi-dori-vosi

Шотландиядаги Эдинбург университети мутахассислари полиетилентерефталат (ПЭТ)ни Паркинсон касаллигини даволашда қўлланиладиган леводопа (дигидроксифенилаланин, Л-ДОФА) препаратига айлантириш технологиясини яратди.

Мазкур тадқиқот Натуре Сустаинабилитй илмий журналида чоп этилган.

Жараён давомида ПЭТ терефтал кислотасига парчаланади. Сўнгра ушбу модда генетик жиҳатдан ўзгартирилган ичак таёқчаси бактериялари (Э. соли) учун озиқлантирувчи муҳит сифатида ишлатилади. Микроорганизмлар ичида углерод бир қатор биокимёвий реакциялар орқали ўтиб, натижада леводопа ҳосил бўлади. Тиббиётда у Паркинсон касаллигига чалинган беморларда дофамин етишмовчилигини қоплайди.

Олимларнинг таъкидлашича, ушбу иш Л-ДОФА ишлаб чиқаришда дастлабки нефть-кимёвий хомашёдан фойдаланадиган мавжуд кимёвий ва биологик усулларга барқарор муқобил таклиф этади.

Бу муҳандислик биологиясининг неврологик касалликларни даволаш учун пластик чиқиндиларни терапевтик воситага айлантиришда илк қўлланилишидир.